



ЗЎРЛИК ИШЛАТИБ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Калиев Наурызбек Осербай ўғли

ҚДУ Жиноят қонунчилигини қўллаш назарияси ва амалиёти
иҳтисослиги 2-курс магистранти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7969095>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20-May 2023 yil

Ma'qullandi: 23-May 2023 yil

Nashr qilindi: 25-May 2023 yil

KEY WORDS

Жиноят ҳуқуқида зўрлик тушунчаси мураккаб мазмун касб этади.

ABSTRACT

Шахсга қарши жиноятлар – бу Жиноят Кодексида қўзда тутилган, фуқароларнинг асосий шахсий ҳуқуқларига қарши қаратилган ижтимоий хавфли жиноятлар туркумидир. Улар қуйидаги олти гуруҳга ажратилган

Шахсга қарши жиноятлар – бу Жиноят Кодексида қўзда тутилган, фуқароларнинг асосий шахсий ҳуқуқларига қарши қаратилган ижтимоий хавфли жиноятлар туркумидир. Улар қуйидаги олти гуруҳга ажратилган:

- ҳаётга қарши жиноятлар;
- соғлиққа қарши жиноятлар;
- шахс эркинлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар;
- жинсий эркинлик ва жинсий дахлсизликка қарши жиноятлар;
- инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар;
- оила ва вояга етмаганларга қарши жиноятлар;

Жиноят ҳуқуқида зўрлик тушунчаси мураккаб мазмун касб этади. Зўрлик бир қатор жиноятлар объектив томонини тавсифловчи элемент бўлиб, турли маъноларда келади. У муқаррар ёки қўшимча бўлиши мумкин, шу билан бир вақтда, у жиноят таркибининг асосий ёки иккинчи даражали элементи бўлиб келиши ёхуд жиноят содир этиш воситаси ёки усули сифатида қўлланилиши мумкин.

У ёки бу жиноят таркибида ишлатилган зўрлик ўзига хосликлари, жиноят объекти, объектив томони, субъектив томони ва субъектига кўра фарқ қилади.

Зўрлик ўз моҳиятига кўра икки хил:

1) *жисмоний;*

2) *руҳий (психологик) бўлиши мумкин.*

Уларнинг ҳар бири ички бўлинишга эга. Хусусан, уларнинг иккаласи ҳам ўзининг **доимийлиги ва мунтазамлигига** кўра, *ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган ҳамда ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрликка* бўлинади. Яна руҳий зўрликнинг ўлдириш ёки соғлиққа оғир шикаст етказиш билан қўрқитиб содир этиладиган турлари ҳам фарқланади.

Барча ижтимоий муносабатлар мажмуидан одамларнинг ўзаро ва жамият билан муносабатларини фарқлаш лозим. Бу муносабатлар замирида ҳаёт, соғлиқ, жинсий дахлсизлик, шахс эркинлиги каби ахлоқ ва ҳуқуқ меъёрлари ётади. Давлат юқорида зикр этилган инсон нормал ҳаёт кечириши учун зарур ҳуқуқларни ҳурмат қилиш, уларни асраш ва уларга тажовуз этмасликни талаб қилади. Ушбу ижтимоий муносабатлар гуруҳи энг муҳим ижтимоий муносабатлардан бири сифатида эътироф этилган. Мазкур муносабатларнинг бузилиши давлатга, унинг мавжудлигига зиён етказди. Шу сабабли бу ижтимоий муносабатлар жиноят қонуни билан ҳимоя қилинади.

Ўзагини ўзга шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва жисмоний дахлсизлиги ташкил этувчи ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилишга Ўзбекистон жиноят ҳуқуқида ҳам кенг ўрин ажратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-моддасида шахснинг суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқи мустаҳкамланган. Инсон ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини кафолатловчи ижтимоий муносабатларга дахл қилувчи тажовузларнинг катта қисмини зўрлик ишлатиб ёхуд зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этиладиган жиноятлар ташкил қилади.

«Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар» атамаси жиноят ҳуқуқи, криминология, жиноят-ижроия ҳуқуқи соҳаларида яратилган назарий тадқиқотларда қўлланилади.

Ушбу тушунчанинг маъноси барча ерда бир хилда келавермайди. Масалан, жиноят ҳуқуқи ва жиноят процессида зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар деганда, зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этиладиган жиноятлар, жиноят-ижроия ҳуқуқида – оддий жиноятлардан фарқли равишда, зўрлик ишлатиш орқали содир этиладиган ўта хавfli давлат жиноятлари тушунилади, криминологияда эса – шахсга қарши ёки, шу билан бир вақтда, зўрлик ва босқинчилик ишлатиб содир этиладиган безорилик жиноятлари тушунилади.

Ҳуқуқшунос тадқиқотчиларнинг зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларга нисбатан ёндашувларида икки хиллик кузатилади. Биринчи гуруҳга мансуб муаллифлар қўрилайётган жиноятларга нисбатан зўрликдан, яъни ҳаракатлар мажмуи тушунчасидан келиб чиққан ҳолда, анча тор ёндашадилар. Иккинчи гуруҳ муаллифлар эса, бу жиноятларга кенгроқ нуқтаи назардан ёндашиб, уларнинг таркибига амалдаги жиноят қонунида кўзда тутилган зўрлик ишлатиб ёхуд зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этиладиган барча ҳаракатларни киритадилар.

Жиноий қилмишларни зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар қаторига киритиш бевосита жиноят қонунчилигига асосланиши лозим, чунки зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар тушунчаси замирида жиноят ҳуқуқи нормалари ётади. Шу сабабли мазкур тушунчани муфассал ўрганиш жиноят ҳуқуқи фанининг муҳим вазифаларидан биридир.

Жиноят ҳуқуқий маънода зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар, уларни бир гуруҳга бирлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилган умумий белгилар билан тавсифланади. Уларнинг умумийлиги ва ўхшашлиги, авваламбор, уларнинг бир хил усулда содир этилишида ва айнан бошқа шахсга нисбатан зўрлик ишлатилишида ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитилишида намоён бўлади.

Бу жиноят таркибининг объектив томонини тавсифловчи элемент сифатида

жиноят усули Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида, хусусан, Жиноят кодексининг кўпгина моддаларида ўз ифодасини топган. Жиноятчи ҳаракатларидаги зўрлик аломати турли моддаларда турлича ифодаланган. Барчасидан кўпроқ учрайдигани, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш қонунда тўғридан-тўғри мустаҳкамлаб қўйилган. Айрим ҳолларда шундай ҳолат ва ҳаракатлар ҳам кўзда тутиладики, улар ўз моҳиятига кўра зўрликни кўзда тутди ёки зўрликда ифодаланади ёки одам ўлдириш ёхуд баданга оғир шикаст етказиш кўринишидаги зўрлик оқибатларини келтириб чиқаради.

Бу нормалар ижтимоий муносабатларнинг турли гуруҳлари ҳар томонлама қўриқланишини кафолатловчи жиноят қонунчилиги Асосий қисмининг турли бобларида қамраб олинган. Зўрлик ҳаракатларини ифодалаш учун қонунда қабул қилинган атамалар бир хил эмас. Амалдаги жиноят қонунчилигида кўзда тутилган зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни таҳлил қилиш бундай жиноятларга қарши жиноят-ҳуқуқий курашишни алоҳида ўрганиш имконини беради.

Бу муаммони кенг ўрганиш у билан боғлиқ ечилмаган, низоли муаммолар, мураккаб масалалар дастлабки тергов ва суд муҳокамаси жараёнида қатор қийинчиликлар туғдираётганини кўрсатади.

Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноий ҳаракатларнинг юридик табиати ва уларнинг таснифи. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларни таснифлаш муҳим ва мураккаб илмий муаммо бўлиб, у зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларга қарши жиноят-ҳуқуқий курашиш муаммосининг ажралмас таркибий қисмини ташкил этади. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларни илмий ўрганиш мақсадида бир гуруҳга умумлаштириш ушбу жиноятларни тавсифловчи бир хил усулда содир этиладиган тажовузга асосланади. Бироқ бундай туркум жиноятлар учун фақатгина зўрлик усули умумий бўлмай, бошқа ўхшаш, умумий белгилар ҳам мавжуд. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларни ва уларнинг доирасини белгилаш барча зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар учун умумий бўлган ва уларни бошқа гуруҳ жиноятлардан фарқловчи, жиноий ва жиноий бўлмаган бошқа бир гуруҳ белгилар билан ҳам боғлиқ.

Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларга қарши жиноят-ҳуқуқий курашиш муаммоларини бошқа жиноятлардан алоҳида йўналиш сифатида ажратиб олиб ўрганиш жиноят қонунида бевосита кўзда тутилган. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларни ўрганиш натижасида уларда мавжуд бўлган қуйидаги умумий белгиларни санаб ўтишимиз мумкин:

- 1) умумий жиноий ҳаракат;
- 2) тажовузнинг умумий объекти (ўзаги шахснинг жисмоний соғлиғи бўлган ижтимоий муносабатлар);
- 3) жиноят объектив томонини тавсифловчи умумий содир этиш усули (муқобил усуллар: жисмоний зўрлик ишлатиш ёки уни ишлатиш билан қўрқитиш);
- 4) зўрлик ишлатиш (зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш)нинг қасд (онгли равишда қўлланилиши) хусусияти.

Қилмиш жиноят бўлиши учун у ижтимоий хавфли ҳамда жиноят ҳуқуқига хилоф, айблилик ва жазога лойиқлик хусусиятларига эга бўлиши лозим. Бунда зўрлик

ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш жинойий бўлиши шарт эмас. Ҳаракат яхлит ҳолда жиноят бўлишининг ўзи кифоя. Масалан, бошқа кишининг қўлини унга жисмоний оғриқ етказмасдан, жинойий мақсад ва мажбурловсиз қайириш жиноят ҳисобланмайди. Агар қўлни қайиришдан мақсад шахснинг мол-мулкини талон-торож қилиш, унга шикаст етказиш бўлса, бу зўрлик ишлатиб содир этилган жиноят ҳисобланади. Айни вақтда, ҳар бир муайян зўрлик ишлатиш жинояти шахснинг соғлиғи, ҳаёти, жинсий дахлсизлиги каби ижтимоий муносабатлардан бирига дахл қилади. Ҳаракат бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ ижтимоий муносабатларга қарши қаратилган тақдирда, бу ижтимоий муносабатларнинг қайси бири қадрлироқ бўлса, шу муносабат эътиборга олинади.

Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларни содир этиш усуларидаги умумийлик амалда зўрлик ишлатиш, зўрлик ишлатишга суиқасд қилиш ёки зўрлик ишлатишга тажовуз қилишда намоён бўлади.

Жисмоний зўрлик деб, бошқа шахснинг баданига унинг хоҳиш-иродасига қарши жисмоний таъсир кўрсатишда намоён бўладиган қасддан содир этиладиган ҳуқуққа хилоф ҳаракатга айтилади.

Жисмоний зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш – бу бошқа шахсга нисбатан жисмоний таъсир кўрсатиш билан қўрқитишдир. Жиноят содир этиш усулини аниқлашда зўрлик ҳаракати жиноят таркибининг муқаррар элементими, йўқми – аҳамиятсиздир. Зўрлик доим ҳам шахсга жисмоний зарар етказавермайди (масалан, жиноятчи узган ўқ хато кетганида). Шу боис зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар деганда, шахснинг жисмоний саломатлигига зарар етказишга қаратилган жиноятлар тушунилади. Шунингдек зўрлик билан бирга содир этилувчи бошқа ҳаракатлар ҳамда зўрлик ва ўзга ҳаракатлар ўртасида сабабий боғланишнинг мавжудлиги қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига ва унинг баҳоланишига таъсир кўрсатади.

Зўрликдан амалда фойдаланишнинг қасдли хусусияти зўрлик қасддан, билиб ишлатилганини англатади. Зўрликнинг ижтимоий хавфлилигини билган ва тушунган ҳолда, айбдор уни амалга оширишни хоҳлайди, яъни тўғри қасд билан ҳаракат қилади. Мазкур ҳолат, шак-шубҳасиз, муқаррар элементи зўрлик бўлган формал таркибли жиноятлар учун ҳам хос бўлган хусусиятдир. Бу формал таркибли жиноятлар доимо тўғри қасд билан содир этилади, деган умумий қоида билан изоҳланади. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган моддий таркибли жиноятларда жиноятчининг айб шакли, яъни ўлим ёки оғир тан жароҳат шаклидаги оқибат ҳамда зўрлик ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш талаб этилганда, жиноят тегишли оқибат келиб чиққандан сўнг тамом бўлган ҳисобланади.

Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг белгиси сифатидаги зўрлик кенг маънода тушунилади. Ҳаракат амалда зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш орқали содир этилади. Ушбу ҳолатлар қонунда бевосита ўз аксини топган зўрлик хусусиятига эга ҳаракатлар (зўрлик ишлатиш, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, дўппослаш ва ҳ.к.)да, зўрлик ишлатиш оқибатлари (тан жароҳатлари)да, ҳар иккаласида бир вақтнинг ўзида (одам ўлдириш) ёки, ўз мазмунига кўра, зўрлик ишлатиш эҳтимолини назарда тутувчи ҳаракатларда ифодаланиши мумкин.

Жиноят таркибининг белгиси сифатидаги зўрлик тор маънода тушунилади.

Зўрликни бу маънода тушуниш барча зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг таркибларини гуруҳларга бўлиниши билан боғлиқ. Жиноят тамом бўлишида зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар таркибининг қайси элементи муқаррар ёки конструктив бўлишига қараб, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг таркиблари икки гуруҳга булинади:

1. Зўрлик элементи бўлган таркиблар (зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш).

2. Ўлим ёки тан жароҳати кўринишидаги оқибат элементи бўлган жиноят таркиблари.

Бироқ, бу икки гуруҳ барча зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларни қамраб ололмайди. Белгиси ҳаракат ёки шароит бўлган, мажбурий, муқобил ёки қўшимча асосларда зўрлик ҳаракатларини ҳам ўз ичига олувчи, аммо «зўрлик ишлатиш» ёки «зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш» атамалари билан ифодаланмайдиган бошқа жиноят таркиблари ҳам бор.

Ушбу таркиблар, ўз навбатида, зўрлик улар учун муқаррар, муқобил ёки қўшимча белги эканлигига қараб, икки гуруҳга (олдинги тасниф бўйича учинчи ва тўртинчи, янги тасниф бўйича биринчи ва иккинчи гуруҳлар) бўлинади:

1. **Биринчи гуруҳ** зўрлик ҳаракатлари турли атамалар (террор қилиш, дўппослаш, ҳаётга тажовуз қилиш ва ҳ.к.) билан номланган жиноятлардан иборат бўлиб, уларда зўрлик жиноят таркибининг муқаррар ёки муқобил белгиси ҳисобланади.

2. **Иккинчи гуруҳга** зўрлик ҳаракатларини ўз ичига олган ҳаракат ёки шароит белгиси бўлган таркиблар киради.

Юқорида саналган тўрт гуруҳ барча зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларни қамраб олади. Формал таркибли бўлган биринчи, учинчи ва тўртинчи гуруҳда зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг юқорида саналган барча белгилари мавжуд. Иккинчи гуруҳ жиноятлари эса моддий таркибли бўлиб, уларга юқорида тилга олинган барча белгилар ҳам хос эмас. Бунда зўрликнинг ўзи жиноятнинг тугаши учун етарли эмас, балки тегишли оқибат келиб чиқиши ҳам зарур. Бу гуруҳ жиноятлар учун айбнинг фақатгина қасд шакли хос эмас.

Шундай қилиб, умумий белгилари (бир турдаги объект, ҳаракатнинг қасд шакли, жиноят содир этишнинг ўхшаш белгилари) билан тавсифланувчи зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар таркибига биринчи, учинчи ва тўртинчи гуруҳдаги жиноятлар таркибини киритишимиз лозим. Ушбу ҳолат тор маънода, зўрлик тушунчаси билан ўзаро боғлиқ, яъни қонунда қайси атама қўлланилганидан қатъи назар, тугалланган жиноят таркибининг мажбурий, муқобил ёки қўшимча белгиси сифатида зўрлик бўлади.

Кенг маънода зўрлик жинояти деганда, амалда зўрлик ишлатиладиган, таркибида муқаррар, муқобил ёки қўшимча элемент сифатида зўрлик мавжуд бўлган жиноятлар тушунилади. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар тор ёки жиноят-ҳуқуқий маънода ҳам тушунилади. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар таркибларининг ўхшашлиги илмий ва амалий мақсадларда бундай турдаги жиноят таркибининг умумий тушунчасини ишлаб чиқишда намоён бўлади. Умумий объектив ва субъектив белгилар мажмуи сифатидаги зўрлик ишлатиб содир этиладиган

жиноятлар таркиби умумий тушунчасини тадқиқ қилиш зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларга қарши жиноят-ҳуқуқий курашиш муаммосида марказий ўринни эгаллашини кўрсатади. Бундай тадқиқот кейинчалик қонунийликни мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамият касб этади, чунки зўрлик жинояти таркибини тавсифловчи тушунчага илмий таъриф бериш, уларнинг бир-бири ва бошқа тушунчалар билан ўзаро муносабатини аниқлаш янада аниқроқ назарий асослар яратиш, қонунга мувофиқ, олий суд инстанцияларига тавсиялар бериш, жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг прокуратура, ички ишлар органлари ходимлари томонидан тўғри ва бир хилда қўлланилиши, жиноятларнинг судда тўғри баҳоланиши, амалдаги жиноят қонунчилигида мавжуд айрим камчиликликларни аниқлаш имконини беради.

Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларни бошқа ҳаракатлардан фарқловчи белгилар мустақил гуруҳни ташкил этган. Бундай белгилар **икки** хил:

1. *ҳаракатнинг ижтимоий хавфлилиги;*
2. *жиноятнинг зўрлик хусусияти.*

Ушбу белгилардан биринчиси зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларни бошқа шахсга айбисиз ҳолда жисмоний зарар етказишдан фарқлашга имкон берса, иккинчиси жиний зўрлик ишлатилмайдиган ҳаракатлардан фарқлашга имконият яратади.

Етказилган жисмоний зарар ижтимоий хавфли эмас, балки ижтимоий фойдали ёки кам аҳамиятли бўлиши ҳам мумкин. Ижтимоий фойдалилик белгисига кўра, ҳаракат қўйидаги ҳолларда жиний эмас деб топилади: зарурий муҳофаа, охири зарурат, жисмоний ёки руҳий мажбурлов, буйруқ ёки кўрсатмани бажариб, асосли таваккалчилик каби ҳолатларда. Бунда охири зарурат, зарурий муҳофаа ва жиний содир этган шахсни ушлашда жисмоний зарар етказишга йўл қўйилганлиги жинийнинг ижтимоий хавфли хулқ-атвори билан белгилананади.

Юқорида айтилганларга асосан, жабрланувчи кўрсатиши мумкин бўлган қаршилиқни унга ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган, маст қилуви моддаларни бериш орқали беҳуш аҳволга солиб, унинг мулкини талон-торож этиш ҳам шахс ички аъзосига зарар етказиш, яъни жисмоний зўрлик деб топилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Криминология. Под ред. А.Н.Долгова. – М., 1999..
2. Сердюк Л.В. Насилие – криминологическое и уголовно-правовое исследование. – М., “Юрлитинформ”, 2002.
3. Зуйков Г.Г. Поиск преступников по признакам способов совершения преступления. – М., 1970.
4. Абельцев С.Н. Личность преступника и проблемы криминологического насилия. – М., 2000.
5. Сидиров Б.В. Аффект: его уголовно-правовое и криминологическое значение. – Казань, 1978. – 110-б.
6. Тимина Л.И. Ответственность за детоубийства по советскому уголовному праву: Автореф. канд. дисс. – Баку, 1970.
7. Ломброзо Ч. Гениальность и помешательство. – Ростов-на Дону, 1997.
8. Интернет сайти: <http://psychiatry.narod.ru/lombrozo.html>